



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 31 июль, № 156 (7114)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 12 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Экстремизмга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Экстремизмга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг экстремизмга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:
экстремизм — ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлаштириб олишга, миллий, irqий, этник ёки диний адоват кўзгатишга қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодаси;

экстремистик фаолият — қуйидагиларга: Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузumi асосларини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини бузишга;

ҳокимият ваколатларини эгаллашга ёки ўзлаштиришга; қонунга хилоф қуролли тўзималар тузишга ёки уларда иштирок этишга; террорчилик фаолиятини амалга оширишга; зўрлик ёки зўрлик ишлатишга ошқора даъват қилиш билан боғлиқ ҳолда миллий, irqий, этник ёки диний адоват кўзгатишга;

жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этишга, шуниингдек экстремистик ташкилотларнинг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этишга;

бирор-бир ижтимоий гуруҳга нисбатан сиёсий, мафқуравий, irqий, миллий, этник ёки диний адоват ёҳуд душманлик сабабли оммавий тартибсизликларни амалга оширишга;

ушбу модданинг тўртинчи — ўнинчи хатбошиларида кўрсатиб ўтилган ҳаракатларни амалга ошириш учун ошқора даъват қилишга қаратилган ҳаракатларни режалаштиришга, ташкил этишга, тайёрлашга ёки содир этишга доир фаолият;

экстремизмни молиялаштириш — экстремистик фаолиятнинг мавжуд бўлишини ва фаолият кўрсатишини, шахсларнинг экстремистик фаолиятда иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишини ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишини таъминлашга, экстремистик ташкилотларга ёҳуд экстремистик фаолиятга қумаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағларни, ресурсларни беришга ёҳуд йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият;

экстремистик фаолият — экстремистик фаолиятни амалга оширишда иштирок этаётган, шуниингдек экстремистик фаолиятда иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишини ёҳуд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишини амалга оширган шахс;

экстремистик гуруҳ — олдиндан тил бириктириб экстремистик фаолиятни амалга ошираётган ёки уни содир этишга суиқасд қилаётган икки ёки ундан ортик шахс;

экстремистик материал — экстремистик фаолиятни амалга оширишга ошқора даъват қиладиган ёҳуд шундай фаолиятни амалга ошириш зарурлигини асослаб берадиган ёки ошқора оқлайдиган, тарқатиш учун мўлжалланган ҳужжат ёки ҳар қандай воситадаги бошқа ахборот;

экстремистик ташкилот — экстремистик фаолиятни амалга оширганлиги тўғрисида ўзига нисбатан фаолиятини тугатиш ёки тақдирлаш тўғрисида суднинг қонунда назарда тутилган асослар бўйича қонуний қучга кирган қарори қабул қилинган ташкилот.

4-модда. Экстремизмга қарши курашишнинг асосий принциплари

Экстремизмга қарши курашишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;
инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
ошқоралик;
жавобгарликнинг муқаррарлиги.

5-модда. Экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: экстремизмнинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда экстремизмга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш, шуниингдек унинг юзага келишига имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

(Давоми 2-бетда).



Ёшлар тақдирига бефарқ қараб бўлмайди



Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 27 июндаги Фармони билан қабул қилинган “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури эртаимиз эгаларининг ташаббуслари, ғоя ва лойиҳаларини рўёбга чиқариш, йигит-қизларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш, уларнинг бандлигини таъминлашга доир амалий ишлардан биридир.

Зотан, ҳар соҳада глобаллашув жараёни кучайиб, ахборот хуружлари авж олган бугунги замонда ёшлар масаласига эътиборсиз қараб бўлмайди. Ёш авлод тақдирига бефарқлик келажакка, эл-юрт тақдирига бефарқлиқдир.

Ўз ҳолига ташлаб қўйилган йигит-қизлар ўқишу ишдан, жамиятдан, давлатдан кўнгли совиб, тушкунликка тушади. Фойдасиз юмушлар билан вақтини ўтказди, ҳатто турли номақбул ишларга қўл уриши ҳам ҳеч гап эмас.

Ислоҳот

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 27 июль кўни жиноятчиликнинг бар-вақт олдини олиш борасидаги ишлар-нинг бугунги ҳолати, бу борада ички ишлар органлари ва бошқа давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш маса-лаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида бу ҳақда атрофлича таҳлил қилиб, ёшлар ўртасида жиноятчилик



ҳолатлари учраётганини афсус би-лан қайд этди.

“Бўнинг сабаби ёшлар ягона ғоя, яго-на мақсадлар йўлида жипслаштирил-маётгани, таълим-тарбия ва бандлики таъминлашда қўллаб тизимли муаммолар ҳал этилмаётганидир. Масалан, бир йилда 600 мингдан зиёд йигит-қизлар мактаб, лицей ва коллежларни битира-ди. Олий ўқув юртлари уларнинг 10 — 15 фоизини қабул қилади. Демак,

қолганлари эртага ким бўлиши ҳақида бош қотириш зарур. Уларга муносиб ша-роит яратиб берилмас экан, эртага ни-мандир талаб қилишга ҳеч кимнинг маъ-навий ҳуқуқи бўлмайди. Шунинг учун ҳам “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури қабул қилинди, 800 миллиард сўм маб-лағ айнан ёшлар тадбиркорлиги, бандлиги учун йўналтирилди”, деди давлатимиз раҳбари.



Эскича ишлаш тизимидан қачон воз кечилади?

Қаердаки қонун устувор бўлса, жиноятчиликка қарши одамларда муросасиз кайфият шаклланса, ўша жамиятда ноҳуш иллатлар камаяди, тинчлик, осойишталик ҳужм суриб, эзгу ишлар кенг қулоқ ёзади. Аҳоли хотиржам ҳаёт кечиради, уларнинг давлатга ишончи ортади. Қолаверса, хорижлик сайёҳлар оқими кўпайиб, инвесторлар маблағ киритишга, бизнесини йўлга қўйишга интилади. Шунинг учун ҳам бу масала ўта долзарбдир.

Айни жиҳатдан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот идораларини ислоҳ қилиш ҳамда уларни ҳақиқий маънода халқчил идорага айлантириш бўйича саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти. Ҳўш, натижалар, мавжуд аҳвол қандай? Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 27 июль кўни жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, бу борада ички ишлар органлари ва бошқа давлат идоралари масъулиятини янада ошириш, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ушбу масала атрофлича таҳлил қилинди, хато ва камчиликлар рўй-рост кўрсатилиб, истиқболдаги муҳим вазифалар белгилаб берилди.



ЖИНОЯТ ҲАҚИКАТИ ВА АДОЛАТ

Хуқуқий асослар яратилляпти, натижа эса...

Ҳар бир соҳада ҳуқуқий асослар муҳим ўрин тутад-ди. Бу борада ўтган давр мобайнида ички ишлар ти-зимини такомиллаштириш-га оид 80 дан зиёд ҳуж-жатлар қабул қилинди. Шу-лар асосида моддий-тех-ника базасини мустаҳкам-лаш, кадрларни танлаш ва хизматни тўғри ташкил этиш билан боғлиқ қатор чора-тадбирлар ҳаётга та-тиб қилинмоқда. Масалан, илгари ҳодимларнинг 60 фоизи шаҳар ва туман бошқармаларида фаолият олиб борган бўлса, ҳозир 35 фоизи идораларда, қол-ганлари аҳолига яқин бўли-

ши учун маҳалла фуқаро-лар йиғинларида ишлаяп-ти. Лекин амалда натижа қандай?

Афсуски, ушбу саъй-ҳаракатларга қарамас-дан, жойларда ҳануз жиноятчиликнинг түб илдиизига түлик етиб бо-риляётгани йўқ. Салбий ҳолатларнинг асл саба-би етарлича ўрганилма-япти. Маҳалла, меҳнат жамоалари ва таълим муассасаларида бўлаёт-ган муҳокама ҳамда тадбирлар номига таш-кил этилиб, расмийчи-ликдан нарига ўтилма-япти.

“Қасални яширсанг, иситмаси ошқор қилади” деганларидек, мутасадди идоралар ҳисоботига кўра, жиноятлар жорий йилнинг 6 ойида ўтган йилнинг шу

давридагига нисбатан **39 фоиз камайгани ҳолда, қасддан одам ўлдириш, оғир тан жаро-хати етказиш, талончи-лик, босқинчилик, ўғри-лик ва фирибгарлик каби жиноятлар сони ҳамон юқорилигича қолмоқда.**

Булар, албатта, ҳар қан-дай кишини ташвишга сол-май қўймайди.

Аёлни қотилликка нима мажбур қилди?

Давлат ва жамоат таш-килотлари вакиллари тур-ли юмушлар билан “банд экани” боис низоли, сод-да қилиб айтганда, жан-жалли оилага етиб бо-ролмагандир, аммо ма-

ҳалла-қўй, кўни-қўшни ва ҳудуд хавфсизлигига масъул бўлган, хизмат машинаси ҳамда шу жой-нинг ўзидан уй берилган ички ишлар органи ваки-ли, яъни профилактика инспектори, наҳотки шу ишдан беҳабар бўлса? Буни қандай изоҳлаш мумкин? **Аслида аёлни қотилликкача етаклаган оилавий низо кеча ёки бугун пайдо бўлмагани, ойлар ва ҳатто йиллар давомида ривожланиб, ўткирлашиб боргани аниқ. Охир-оқибат фо-жиа юзага келган.** Ва-ҳолонки, ўз вақтида про-филактика чоралари қирқилганда эди, муҳдиш воқеанинг олди олинган бўларди...



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



«Менинг фикрим»даги таклиф илк бор парламент мажлисида кўрилди

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Маж-лисга йўллаган Мурожаат-масида белгилаб берилган вазифалар қаторида фуқаро-ларнинг давлат ва жамият ҳаётига дахлдор муҳим ма-салалар бўйича ўз фикрини билдириши учун интернетда “Менинг фикрим” деб ном-ланган махсус веб-портал ташкил этиш, демократия-нинг илғор механизми сифа-тида жамоа бўлиб электрон мурожаат киритиш тартиби-ни татбиқ қилиш, бир гуруҳ фуқаролар томонидан ил-гари сурилган ташаббусларни Олий Мажлис ёки халқ де-путатлари маҳаллий Кенгаш-ларида албатта кўриб чиқиш тартибини жорий этиш та-клифи билдирилган эди.

Мазкур вазифа ихроси-ни таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгаш-ларининг 2018 йил 2 апрел-даги қўшма қарори билан “Менинг фикрим” веб-пор-тали ишга туширилди.



Порталда жорий йилнинг июнь ойида фуқаро Н. Макаренко томонидан “Қишлоқ ва шаҳар ҳудудла-рида дарахтларни муҳофа-за қилиш тизимини ислоҳ этиш тўғрисида”ги электрон жамо-авий мурожаати жойлашти-рилган бўлиб, у Қонунчилик палатаси ва Сенати томони-дан тасдиқланган Низом та-лаблари асосида 10 минг овоз тўплагандан сўнг, кўриб чиқиш учун Қонунчилик па-латасига киритилди.

Мазкур мурожаатда қишлоқ ва шаҳарларда да-рахтларни ноқонуний ке-сишнинг олдини олиш, ке-сишга рухсатномалар бериш тартибини такомиллашти-риш, дарахтларнинг ноқо-нуний кесанглик учун жавоб-гарликни қўйиштириш, соҳа-га инновация технология-ларни жорий этиш, агротех-ники тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ таклифлар билдирилган.

«Дунё» АА.
Лондон

Ўзбекистонга саёҳат қилиш вақти келди

Ўзбекистонга келиш истагида бўлган чет эл фуқаролари учун электрон виза бериш тизими жорий қилингани зўр иштиёқ билан кутиб олинмоқда.



Дунё нигоҳи

Хусусан, яқинда Буюк Брита-нининг нуфузли “The Independent” нашрида ушбу мавзуга доир мақола чоп этил-ди. Унда таъкидланмиша, маз-

кур қадам хорижий давлатлар-дан келаятган сайёҳлар оқими-ни кўпайтириш ҳамда юртимиз бой тарихидан баҳраманд бўлишлари учун уларга кўпроқ қўлайликлар яратиш бўйича Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатла-ридан бири ҳисобланади.

“Ўрнатилган янги тартибга кўра, дунёнинг 51 мамлақати, шу жум-ладан, Буюк Британия фуқаролари учун электрон визани расмийлаш-тириш имкони пайдо бўлди. Бун-дан ташқари, Ўзбекистон орқали учинчи давлатга саёҳат қилувчи 101 мамлакат вакилларига визасиз

мустақилликка эришган пайтдан эътиборан мамлакатга кириш талаблари фақат энди енгиллаш-тирилгани таъкидланган.

“Денгизга чиқиш имкониятига эга бўлмаган давлат сифатида Ўзбекистон ЮНЕСКО Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига кири-

тилган Буюк Ипак йўлининг учта жуда муҳим шаҳри: Самарқанд, Бухоро ва Хива билан фахрланса арзийди. Республиканинг барча ҳудудида ноёб қўшна масжидлар, “Тоғмаҳал” бунёдкорларини ил-ҳомлантирган мақбаралар ҳамда замонавий иншоотлар жойлаш-ган” дея ёзилади “The Independent” нашрида.

Эскича ишлаш тизимидан қачон воз кечилади?



Тошкент туманидаги маиший хизмат ва тадбиркорлик коллежи ўқувчиси Махлиё (исми ўзгартрилган) ён қўшниси, отаси тенги эркакка пичоқ уриб, унинг ҳаётига зомин бўлганлиги ҳақидаги мақолани газетамиз саҳифаларида эълон қилгандик. Телефондаги ибосиз суҳбатдан сўнг келиб чиққан можаро тасодиф эмаслиги, унинг маълум сабаб ва илдизлари борлиги ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинган эди.

Афсуски, аёллар ўртасидаги оғир жиноят, кўлга пичоқ олиш ҳолатлари учраб турибди. Янгийўл туманидаги “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғинида ўсиб-улгайган Шахноза Нишонбоева ота ҳовлисида бу ерга келган турмуш ўртоғи, Қибрайда яшовчи Раҳимберди Нишонбоевнинг кўкрак қисмига ва ўнг қўлига пичоқ уради. Қўни-қўшнилар кўёвни ўлим чангалидан зўрға сугуриб олади. Воқеа тафсилотлари эса жуда оддий. У фарзандлар муаммоси билан боғлиқ. Масала бу қадар мураккаб тус олмаслиги мумкин эди. Уни оддийгина бир суҳбатда ҳам ҳал қилса бўларди-ку...

Хар икки воқеа бирдек мушоҳада қилишга ўндайди. Нозик қўллар нега пичоқ тутди? Бу савол таълим-тарбия учун мутасадди бўлган давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарларини, барчани уйга солиши лозим.

Ёшлар ишли бўлса, ёмон йўлга қирмайди

Йиғилишда ёшлар жиноятчилиги камаймаётгани ҳам таъкидланди. Шу йилнинг 6 ойда юртимизда қайд этилган жиноятларнинг 30 фоизда ёшларнинг қўли борлиги ачинарлидир.

Қашқадарё вилояти Косон, Шахрисабз ва Деҳқонобод туманларида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар ошган. Таълим муассасаларида психологлар фаолияти яхши йўлга қўйилмагани тўғайли ёшлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш кўпайиб бормоқда. Кўп ҳолларда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий му-



хит ўз вақтида ўрганилмаётгани, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ёшлар аниқланмаётгани, носоглом муҳитдаги оилалар билан етарли даражада иш олиб борилмаётгани буларнинг асосий сабабларидан биридир.

Бундай ҳолатни Наманган вилоятида ҳам кузатиш мумкин. Худудда 1 миллион 147 минг нафар киши иш билан банд бўлгани ҳолда, 115 минг нафар фуқаро ҳеч қандай ишга қўйилмаган. Уларнинг ақсариятини ёшлар ташкил этади. Бу ҳолатни вилоят Бандлик бош бошқармаси масъуллари жорий йил давомида қанча меҳнат армаракси ўтказилгани, неча кишининг бандлиги таъминлангани ва коллеж би-тирувчилари, иш топишда қийна-лаётган фуқаролар ҳамда меҳнат мигрантларини ишга жойлаштириш доимий эътиборда экани билан изоҳлашга уринди. Аммо сал ил-гарироқ айтиб ўтилган **115 минг нафар ишсиз фуқаронинг тадири билан қачон қизиқиш кўри-лади?**

Чунки бу жиддий масала. Би-рор-бир юмуш этагини тутмаган ёшлар кўп ҳолларда ўзини турли кўчага уриб кўради. Жиноят со-дир этмаслигига ким қафолат бе-ради? Энди ўйлаб кўринг, респуб-лика бўйича ишсизлар сони қан-чалиги ҳисобланса, масала чин-дан-да ўта жиддийлиги, уни ке-

чактирмай ҳал этиш зарурлиги ойдинлашади.

Эшитув ва тарғиботлар ҳисобот учун бўлмасин

Жиноят ва ҳуқуқбузарлик оқибатини бартараф этишдан кўра, уларнинг ол-дини олиш жуда муҳим. Шу боис бу борада мамлакатимизда профилакти-ка ишларига кенг ўрин берилаяпти. Ма-салан, Олий Маҳжлис Сенати томони-дан бир йилда икки марта Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи эшитилмоқда. Бундай эши-тувлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари ви-лоятлар ва Тошкент шаҳар, халқ депу-татлари туман (шаҳар) Кенгашларида ҳам йўлга қўйилди. **Аммо маҳаллий Кенгашлардаги кўплаб эшитувлар номига ўтказилаётгани ҳам бор гап.**

Бундай ҳолатлар жойларда ташкил этилаётган тарғибот-тушунтириш тад-бирларида ҳам яққол кўринади. Буни биргина қисий мисол билан изоҳлаб кўрамиз. Эътибор беринг: жорий йил-нинг 6 ойда ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жа-моатчилик томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш мақсадида ҳудудларда 16 млн. 315 минг 884 нафар киши иштирокида 23 минг 687 та оммавий тадбир ташкил этил-ган. Агар республикамизда 9 мингга яқин фуқаролар йиғинлари борлигини инобатга олсак, уларнинг ҳар бирида 2-3 тадан тадбирлар ўтказилган. Бироқ яна ўша гап: натижалар шунга яраша эмас. Булардан келиб чиқадиган ҳуло-са шуки, **бундай эшитув ва тарғибот тадбирлари баъзи жойларда бўлган-дидек, шунчаки ҳисобот учун ўтказилмаслиги зарур.**

Малакали кадрлар — ҳал қилувчи куч

Тизим учун билимли, ўз фаолияти-га садоқат ва масъулият билан ёнда-шиб ишлайдиган, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга қодир, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни ўзининг муқаддас бур-чи, деб билган кадрларни тайёрлаш

ва уларни жойига қўйиш ислохотлар-нинг муҳим йўналишларидан бири са-налади. Бу борада салмоқли ишлар қилинди, лекин ҳали-ҳамон ўз касбига нолайиқ, соҳа ислохотларидан мутлақо беҳабар кадрлар тез-тез учраб туриб-ди.

Ички ишлар ходими бўлиш нияят-да шарафли. Бироқ юқоридагидек бу касбга доғ тушираётганлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, юртимизда амалга оши-рилаётган ислохотлар, тизимдаги ўзга-ришлар, соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар туб мазмун-моҳиятини ан-глаб етмаган, эскича услуб ва дунёка-рашда қолиб кетган Қашқадарё вило-яти ички ишлар органларининг бир гуруҳ ходимларига тегишли чоралар кўрилди.

Хизмат вазифасига лоқайдлик ва сусткашлик билан муносабатда бўлган ва қўл остидаги ходимлар фаолияти-



ни талаб даражасида назорат қилма-ган Қарши тумани ИИБ бошлиғи Ж. Ражабов, Муборак тумани ИИБ бошлиғи С. Шарипов, Косон ва Қарши туманлари ИИБ бошлиқларининг ўрин-босарлари Н. Қаршиев ва А. Аминов, Шахрисабз, Ғузор ва Деҳқонобод ту-манлари ИИБ бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари Қ. Тошмуродов, А. Алиев ва Н. Бозоров, Муборак ва Чироқчи туманлари ИИБ бошлиқларининг кадрлар бўйича ўринбосарлари Т. Бахромов ва Ж. Муродов, вило-ят ИИБ ЙХБ бош лиғининг кадрлар бўйича ў р и н б о с а р и Ф. Миршатов, Қамаш тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими бо ш л иғ и Х. Ризакулов ўз лавозимларидан озод этилди.

Айрим ҳудуд-ларда ҳуқуқбузар-ликларнинг бар-вақт олдини олиш, жиноят со-дир қилган шахс-ларга нисбатан

жазо муқаррарлигини таъминлаш, аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатиш борасида ҳам баъзи камчи-ликларга йўл қўйилган. **Қолаверса, баъзи ходимлар тизимда бўлаётган ўзгаришларнинг асл мазмунини ҳали-ҳамон англаб етганларича йўқ.**

Хар иккинчи маҳаллада...

ИИБ маълумотига кўра, Қорақалпо-ғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жиноятчилик ҳолат-лари жорий йилнинг олти ойда ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан му-айян даражада камайган. Аммо ҳудуд-ларда айрим жиноят турлари озайиш ўрнига қўлайиб бораётгани ташвиш-лидир. Ушбу ҳолат маҳаллалар кеси-мида олиб кўрилса, вазият чиндан ҳам



Самарқанд шаҳрида 43 та, Паст-дарғомда 23 та, Ургутда 14 та, Иш-тихон ва Пайариқда 13 тадан ма-ҳаллада жиноятлар сони кўпайган.

Бу ҳолатни жойлардаги раҳбарлар қандай изоҳлайди?

Фаррух Усмонов, Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи: “Дарвоқе, вазият шундай экан, ҳудудда жиноятчилик ўтган йил-нинг 6 ойидагига нисбатан 40 фоиз камайгани билан мақтаниб бўлмайди. Эндиликда ҳар бир нотинч оила, ижти-моий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, бева-бечоралар уйига кириб бориб, муаммони биргаликда ҳал қилиш лозим. Уюшмаган ёшлар билан ҳам алоҳида шуғулланиш талаб этилади...”

Маҳмуд Бобоёров, Фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш органла-ри фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Самарқанд вилояти кенга-ши раиси биринчи ўринбосари: “Ночор оилалар, якка-ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга мо-дий ва маънавий ёрдамлар берилмоқ-да. Барча фуқаролар йиғинларида иж-тимоий-маънавий муҳитга салбий таъ-сир кўрсатувчи ҳолатларни содир этиш-га мойил шахслар ҳамда ҳуқуқбузар-лик содир этгани учун профилактик назоратга олинганлар тўғрисида маъ-лумотлар базаси яратилган бўлиб, ҳар ой янгилиниб боришмоқда”.

Бизнинг изоҳ: Агар бундан кейин ҳам ҳисоботлардан, уни қилиш ва буни бажариш лозим, деган қуруқ фикрлардан қочил-мас ҳамда уларнинг ўрнига жид-дий амалий ишларга киришил-мас экан, жиноятчиликнинг ка-майишига эришиб бўлмайди.

Ўз жонига қасд қилиш — омонатга хиёнат

Навоий вилоятида жорий йилнинг ўтган олти ойда ўз жонига қасд қилиш ёки суицид ҳолатлари 95 тани ташкил этган. Бу ўтган йилнинг шу даврида-гига нисбатан 16 та кўп. Уларнинг ўн нафарини вояга етмаганлар, 44 нафа-рини аёллар ташкил этади. Буни ким-дир рухий хасталик, кимдир ёшлик қизикқонлиги, яна биров қисматга йўймоқда. Аммо бир нарса аниқ, бу ҳолатлар ортида инсон тақдири турибди.

Шундай веқеалардан бири Қизил-тепа туманида содир бўлган. Қайно-на, қайсингиллар ва эрнинг кўпол му-омаласига чидалмаган келин жонига қасд қилиб, ёруғ оламни тарк этди.

Муаммонинг илдизи қаерда?

Мамлакатимизда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш муҳим вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Президентимиз ўз сайловолди учрашувларидамуқ инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноятчиға адолатли жазо тайин қилиш, унинг беғараз бўлишига катта эътибор қаратиб келяпти. **Ўтган йили судьялар билан очиқ мулоқотларида ҳам ушбу масалага тўхталиб, “Нима учун республикамизда жиноятчилик кўпаймоқда, унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш оқсаяпти?”, деган ўткир масалани ўртага ташлаб, зарур кўрсатмалар берган эди.**

Мана, орадан ўтган бир йил давомида жиноятчилик камайгани, лекин бу бизни ва халқимизни қаноатлантирмаслиги давлатимиз раҳбари раислигидаги видеоселектор йиғили-шида айтиб ўтилди.

Хўш, жиноятнинг олдини олиш учун нима қилиш керак? **Ҳеч бир инсон жиноятчи бўлиб туғилмайди, жиноятчилар осмондан туша-ётгани йўқ.** Улар орамиздан, маҳалламиздан чиқаяпти. Ҳатто ака-ука, қариндош, ота-болалар ўртасида жиноятлар содир бўлмоқда. Маҳалла-да хотин-қизлар, нурунийлар ҳамда ёшлар би-лан ишлайдиган фаоллар бор, лекин улар те-гишли ҳуқуқ-тартибот идоралари билан бирга-ликда ишламаётгани тўғайли ижобий натижаларга эришолмаямиз.

Авваллари талончаси, ўғрили каби жиноят-лар, асосан, кечаси содир бўлган. Нимага? Тажрибамдан маълумки, жиноятни чироқ йўқ

жойда содир этиш қонунбузарга шароит ярат-ган. Ишни мана шу жиҳатларни инобатга олиб йўлга қўйиш айна мудоао. Шу асосда профи-лактика инспекторларининг масъулиятини оши-рамиз. Кейин у маҳаллага бегона одам кириб қолса тезда билади. Нима учун келди, қаердан келди, қанча туради каби саволларга жавоб топади.

Аслида, фикри заифлар жиноят содир этади. Пул топиш учун ўғрилиқ ё жиноят қилиш шарт эмас. Ҳалол меҳнат орқасидан ҳам пул топиш мумкин. Хотин-қизлар ўрта-сидаги жиноят, бу — бизга уят! Ўзини ўзи ўлдиришлар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Бу ҳам катта иснод. Бу масалаларга маҳалла, хотин-қизлар қўмитаси, фаоллар, кенг жа-моатчилик эътиборли бўлишимиз зарур. Кўчада бақир-чақир қилаётган одамни тўхта-тиб, унга танбёх беришни қачон ўрганамиз?

Индамай қўйсақ, у эртага катта жанжални, унинг ортидан жиноятни олиб келмаслиги-га ҳеч ким қафолат беролмайди.

Дейлик, бир чумолини босиб ўтган одам қал-бида қандайдир раҳмсизлик ниш отади. У эр-тага бировга қўл ўтқариш, ота-онасига гап қай-тариш, кейин-кейин эса жиноят содир этишдан ҳам қўрқмай қолиши мумкин. **Ёки ўғрилиқ ҳақида айтадиган бўлсак, болаларимиз бог-чадан бирорта ўйинчоқни уйга олиб келса, сўраб-суриштириш бурчимиз.** Богчага олиб бориб, устозидан кечирим сўратсак, у бошқа бундай ишга қўл ўрмайди. Буни ким қилади? Ҳар бир ота-она, яъни сиз ва биз...

Судьяларнинг бу борадаги ўрни хусусида га-пирганда, судлар ҳудуддаги жиноятчилик би-лан боғлиқ ҳолатни кенг таҳлил қилиб, тегишли раҳбарларга тақдим қилиш амалиётини йўлга қўйсақ, ишимиз янада самарали бўлади. Ана шунда “Нега бундай бўлди?” деган саволга жа-воб топишимиз осон кечади.

Президентимиз қуйиниб гапирганидек, айрим жиноятлар бизнинг миллий менталитетимизга умуман тўғри келмайди. Бунга ким айбдор, ал-батта, айбни ўзимиздан қидиришни ўрганиши-миз зарур. Шунда биз ва сиз кутаётган натижа-га эришамиз.

Ўбадулла МИНГБОВ,
Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши раиси.

Айбдорлар қилмишига яраша жазоси-ни олди, маҳалла фаоллари, қарин-дошларнинг юзи шувут бўлди. Икки норасида гўдакни қирқиратиб, гўлдек умрини ҳазон қилган мархумага бун-дан не фойда?

— Машаққатга дуч келганда уни ен-гиш киши руҳини тоблайди, — дейди фалсафа фанлари доктори Нигора Сафарова. — Инсон ҳаёти бир маромда кечмаслиги, табиий. Бунга инсоният та-рихидан юзлаб мисолларни келтириш мумкин. Ўтган асрнинг ўзига разм сол-сак, ота-боболаримиз собиқ тузумнинг қанчадан-қанча уқубатларини бошдан кечирмади, дейсиз? Шундай бўлса-да, матонат билан барчасини енгиб ўтди. Ана шу курашувчанлик уларни бугунги дориламон кўнларга олиб чиқди. Агар аёл диний ва миллий қадриятларимиз ҳусусида жиллакурса муайян даражада тасаввурга эга бўлганида эди, бундай хатони қилмасди. Эътибор қилинг-а, до-нишмандлар бизга қандай ўғит берган: **“Агар ишинг юришмаса, ҳаракат қил, яна юришмаса, кўпроқ ҳаракат қил, барибир юришмаса, унда сен учун бир йўл қолади, у ҳам бўлса ҳаракатдир”.** Дунёдан бош ол ёҳуд жонингга қасд қил, дейилмаппти, аксин-ча, ҳаракат қилиш тавсия этилмоқда. Мана бизнинг асл миллий қадриятла-римиз. Шуларга амал қилган инсон ҳеч қачон ютқазмайди, кам бўлмайди.

Яратган бизга жонимизни, умримиз-ни омонат қилиб берган, демак, бунга хиёнат қилишга ҳаққимиз йўқ...

Фирибгарликнинг умри қисқа

Халқимизда бировларнинг молига кўз олайтириш, ҳаромдан ейиш ғуноҳи азим саналган. Бироқ кейинги давр-ларда бу ёдимиздан кўтарилмоқда ёки биз атай эсдан чиқаряпмиз. Йўқса, бошқаларнинг мол-мулкини алдов йўли билан ўзлаштириш, яъни фирибгарлик жинояти авж олмасди. Қийнда Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси то-монидан фирибгарлик билан шуғулла-ниб келган бир гуруҳ жиноятчилар но-қонуний фаолиятига оид тергов-суриш-тирув иши якунига етказилди.

Маълум бўлишича, ушбу шахслар фирибгарликдан ташқари, зўравонлик ва транспорт воситаларини олиб қочиш билан шуғулланган.

Улар озиқ-овқат ҳамда маиший тех-ника савдоси билан шуғуullanувчи бир нечта тадбиркорни ойлар давомида ал-даб келган. Яъни тадбиркорлардан кат-та миқдордаги турли товар ва махсу-лотларни сотиб бериш учун олади. Сўнг улар аввалгига ишонча қилири учун ўзлаштирилган махсулотларни ўз ба-ҳосидан арзон нарҳда сотиб, пулнинг бир қисмини товар эгасига қайтарган. Ундан кейин бошқа тадбиркорга тўр қуришади. **Жабрланглардан ҳеч бири ички ишлар органига мурожа-ат қилмаган. Сабаби оддий. Фириб-гарлар вақти-вақти билан уларга пулнинг бир қисмини бериб турган. Натижада эса тадбиркорлар ҳеч қандай шубҳага бормайди.**

Кейинчалик улар бундан-да оғирроқ жиноятга қўл уради. Тадбиркорни иш юзасидан учрашувга чақириб, уни зўра-вонлик билан автомобиль салонига ўтказадилар. Жиноятчилардан бири эса машина бошқарувини ўз қўлига олади ва номаълум томонга йўл олади.

Жабрланувчи вазиятдан фойдаланиб уловдан тушиб қолишни уддалайди. Кейин нима бўлди, дерсиз. Тўтқич бе-рмай келаётган қирқирлар манзилига етиб келди.

Ушбу гуруҳ томонидан 13 нафар тадбиркорга келтирилган зарар миқдори 400 миллион сўмни таш-кил этиши аниқланди.

Ҳозирги вақтда иш судда қўриб чи-қияпти.

Умуман, бугун юртимизда Президентимиз томонидан жиноятчи-ликнинг барвақт олдини олиш, халқим-изда бундай ноҳуш ҳолатга нисбатан муросасиз кайфиятни шакллантириш-га қаратилган кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. Зеро, биз одатий қараш ва тутумлардан воз кечиб, олис бир қиш-лоқда бўлган жиноятни ҳам ўзимиз ва фарзандларимиз келажагига, мамлака-тимизнинг эртасига бевосита салбий таъсир кўрсатувчи муҳдиш воқеа си-фатида қарашни ўргансак, ана шунда жиноятчилик илдизига болта урган бўламиз.

«Халқ сўзи» мухбирлари
материаллари асосида тайёрланди.

Ёшлар тақдирига бефарқ қараб бўлмайди



Хали қилинадиган ишлар кўп

Дарҳақиқат, Давлат дастури, аввало, ҳаётда хали ўз ўрнини топа олмаган, бир ишнинг эътибоддан тўтмаган ёшларда тадбиркорлик қўникмаларини шакллантириш, уларнинг келажака ишончини уйғотиш, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини кучайтириш ёки бизнес гоёси бўла туриб, уни амалга ошириш учун маблағ топа олмаётган йигит-қизларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Президентимиз бугунги кунда ушбу эзгу ниятларнинг рўёби учун мутасаддиларни ишга янада масъулият билан ёндашишга ундамоқда. Ҳеч бир йигит-қизни эътиборсиз қолдирмасликни талаб қилаяпти.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, маҳаллаларда ишчи гуруҳлари уйма-уй юриб, ёшлар билан суҳбатлашмоқда, уларнинг уй-фикрлари, орзу-мақсадлари ҳақида қизиқиш, муаммоларини ҳал этишга интиломоқда. Жумладан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маълумотларига кўра, ишчи гуруҳлари томонидан 1 июлдан 26 июлга қадар юртимиз бўйлаб турт ярим миллиондан ортиқ хонадонларга кирилиб, олти миллиондан ошқ ёшлар билан суҳбатлашилган.

— Худудларда 808 минг 179 нафар йигит-қизнинг ишсиз экани аниқланди, — дейди “Yoshlar — kelaajimiz” Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича марказий штаб раҳбари Илёс Раҳимов. — Уларнинг 15 минг 21 нафарига амалий ёрдам кўрсатилиб, ўзлари хоҳлаган иш билан шуғулланиши учун имконият яратилди. Шунингдек, уй шароитида бандлигини таъминлаш истагидаги ёшларнинг 352 нафарига тикув машиналари етказиб берилди.

Ишчи гуруҳлари томонидан уюшмаган ёшлар ҳам жамоат ишларига фаол жалб қилинган. Шу орқали йигит-қизлар бўш вақтини фойдали ишларга сарф этмоқда, қолаверса, даромадга ҳам эга бўляпти. Бу борадаги ишлар натижасида маҳаллалардаги чиқинди тўпланиш қолган икки мингдан ортиқ худуд тозаланди, 320 га яқин уй ва бинолар таъмирланди. Бундай ободончиликдан хурсанд одамлар ишчиларга баҳолиқудрат ёрдамлашмоқда.

Жойларда уйма-уй юришлар давоми-

да томорқасидан фойдаланмаётган 24 минг 600 дан ортиқ хонадонлар аниқланиб, уларнинг етти мингга яқинига турли иссиқхоналар қуриш, экин-тикин қилиш учун кўмак берилди. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш бўйича ёрдам сўраган ёшларнинг 67 нафарига бўш бинолар, 1 минг 549 нафарига ер майдонлари ажратилди, 1 минг 784 нафар ёш тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилди. Давлат дастури ижроси доирасида ёшларни қийнаб келаётган турли муаммолар ҳам самарали ҳал этилмоқда. Жумладан, фуқаролик масалалари юзасидан 5 минг 107 нафар йигит-қизга биометрик паспортлар олиб берилди, 1 минг 901 фуқарога пропискадан ўтишига ёрдам кўрсатилди.

лар базаси шакллантирилди. Мавжуд муаммолар ўрганилиб, келажагимиз ворисларининг фойдали юмуш билан банд бўлиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши учун шароит яратилмоқда.

— Қашқадарё воҳасининг салоҳияти юқори, — дейди Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси Шомурод Сатторов. — Худуд тадбиркори ва хунарманди олдида каттагина имконият бор. Ана шундай омилларни ҳисобга олиб барча туман ва шаҳарларда “Ёшлар меҳнат гузари”ни ташкил қилишни бошлаб юбордик. У ерда ёш тадбиркорларга имтиёзли шартларда бинолар, офис техникаси ва сарф материаллари ижарага берилди. Шунингдек, ёшларнинг бизнес ташаббуслари, гоёла-

расида эртамиз эгаларининг тадбиркорлиги қўллаб-қувватланиши билан бирга, кам таъминланган ва ижтимоий химояга муҳтож оилалар фарзандлари, ногиронлиги бор шахсларга моддий ёрдам кўрсатилаётди. Маҳаллаларда уйма-уй юрилиб, ёшларнинг кундалик турмуши, муаммолари атрофлича ўрганилмоқда.

— Суҳбатлар чоғида қўллаб-йигит-қизлар тадбиркорлиқни мақсад қилгани, бироқ ишни нимадан бошлашни билмай турганини айтишди, — дейди дастур ижросини таъминлаш бўйича вилоят мувофиқлаштирувчи штаби котиби Хайрулло Нишонов. — Улар орасида ўз бизнес гоёси ва лойиҳасига эга бўлганлари ҳам анчагина. Бироқ қўллаб ёшларда уни ҳаётга татбиқ этиш учун маблағ йўқ, бошқалари

лифни ўз дафтарларига қайд этдилар: маҳаллада спорт мажмуасини қуриш лозим. Кичик ўғли Самандар тенгдошлари билан 12 километр узоқликдаги Галаботир қишлоғида очилган бокс тўғрагага қатнамоқда. Шунингдек, катта ўғли Асилбек эса ўз тадбиркорлигини йўлга қўймоқчи. Унга кредит олиш учун ёрдам бериш керак. Бизнес режа тузишга кўмаклашиш учун мутахассислар ажратилди.

— Ёшларнинг бирор таклифи, ташаббуси эътибордан четда қолмаёпти, — дейди Ёшлар иттифоқи туман кенгаши раиси ўринбосари Бобур Жўраев. — Масалан, “Бир фермерга бир ёш” лойиҳаси доирасида ғаллачилик билан шуғулланадиган фермер хўжалиқларига 180 нафар уюшмаган ёш бириктирилди. Улар ғалладан бўшаган ер майдонларига такрийор, экспорт-боп экинлар экишлари ва даромад олишлари учун 200 гектар ер майдони ажратилди. Фермерларимиз фаолият бошлаётган деҳқонларга ҳар томонлама

кўмаклашиш мажбуриятини олишган. Шу кунларда Тошкент вилояти ҳокими қарори билан ташкил этилган ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича вилоят комиссияси фаолияти қизғин давом этмоқда.

Дарҳақиқат, эътибор ва рағбат ҳар бир инсонга куч бағишлайди, интилишларига қанот бўлади. Эзгу орзулари ушалиб, баланд марралар сари руҳланган ёшлар эса жамиятнинг ишончи ва тирчиғига айланади. Ўзбекистон ана шундай қадрли хазинага — иродаси тобланган, юксак мақсадларни дилига тугиб, эл-юрт тақдирини менинг тақдирим, деб яшаётган ёшларга эга. Уларнинг ҳар бирини қўллаб-қувватлаш учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда.

Дилшод КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Аниқки, бу ишлар хали хамир учидан патири. Ёшларнинг ўзи севган иш билан машғул бўлиши, эзгу мақсадларни қўлаб яшаши, қатъий ҳаётий позицияга эга бўлиши учун хали кўп ишлар қилиниши керак. Бунинг учун масъул шахслар ҳар бир йигит-қизнинг дўстига айланиши, ишда турли бюрократик тўсиқларни олиб ташлаши, сансалорликлардан воз кечиши керак. Шунда ёшлар чинакам ғамхўрликни ҳис қилиб яшайди, ўзининг истиқболли гоё ва ташаббусларини рўёбга чиқаради.

Ташаббуслар қай даражада қўллаб-қувватланипти?

Қашқадарё вилоятида ишчи гуруҳлари томонидан ёшлар тўғрисидаги маълумот-

рини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашилмоқда. “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказларида уларга бизнес-режалар ишлаб чиқиш бўйича йўл-йўриқлар, ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

— Қишлоғимизда автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи автосервис марказини очишга қарор қилдим, — дейди Қасби туманидаги “Хўжа Қасби” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Сайдали Шодиев. — Иш бошлаганимга бир ой бўлди. Ер ажратиш бўйича ҳужжатларни топширганмиз. Халқ банкидан 65 миллион сўм имтиёзли кредит ажратишмоқчи. Бу маблағга Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасидан замонавий асбоб-ускуналар харид қилиб, сервис марказини ишга тушириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш ниятдаман.

Наманган вилоятида ҳам дастур дои-

моддий имконияти бўлса-да, ишлаб чиқариш учун майдон ажратиш, технология келтириш масаласида кўмакка муҳтож. Ёшлардан 5,5 минг нафари имтиёзли кредитга эҳтиёжи борлигини билдирди. Уларга 88,5 миллиард сўм атрофида банк сармояси зарурлиги аниқланди.

Тадбиркорга — сармоя, билим истаганга — имконият

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги Уйғур маҳалласида яшовчи Гулноза Деҳқонбоева ва унинг ўғиллари билан бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг ишчи гуруҳи аъзолари бир нечта так-

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

000 «Butlash Garant Servis» предлагает бетономешалки российского производства

1. Бетономеситель гравитационный MC-200

Технические характеристики:
MC-200, геометрический объем барабана — 200 л, время перемешивания — 120 секунд, объем готовой смеси — 110 л, объем загрузки — 150 л, номинальная мощность — 1 кВт, напряжение питания — 220 В/50 Гц, вес — 66 кг.

2. Бетономеситель гравитационный СБР-500А.1

Технические характеристики:
СБР-500А.1, геометрический объем барабана — 500 л, время перемешивания — 90 секунд, объем готовой смеси — 270 л, номинальная мощность — 1,5 кВт, напряжение питания — 380 В/50 Гц, вес — 270 кг.

Форма оплаты — перечисление.

000 «Butlash Garant Servis» реализует бетономешалки российского производства со склада в Ташкенте.

Адрес: г. Ташкент, Сергелийский р-н, ул. Олтин водий, 29А. Телефоны: (+99897) 760-86-00, (+99890) 370-86-86.

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ куйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
гальванизацияланган ва полимер қопламали ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-18, С-35

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.

Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

• 0,4 мм. — 38 000 сўм/п.м. • 0,45 мм. — 42 500 сўм/п.м. • 0,7 мм. — 65 500 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ (ПРОФНАСТИЛ)

• RAL 3005 0,45 мм. — 48 600 сўм/п.м. • RAL 6005 0,45 мм. — 48 600 сўм/п.м.
• RAL 3005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м. • RAL 6005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м.

Қўшимча маълумот олиш учун телефонлар: (+ 99890) 996-96-63, (+ 99899) 871-88-99.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

2018/2019 ўқув йили учун куйидаги мутахассисликлар бўйича МАГИСТРАТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- Иқтисодиётни монетар тартибга солиш;
- Давлат молиясини бошқариш;
- Тижорат банкларини бошқариш;
- Давлат молиявий назорати ва аудити;
- Банк ҳисоби, аудити ва назорати;
- Сугурта компанияларини бошқариш;
- Инвестицияларни бошқариш (банк сектори);
- Пенсия фондларини бошқариш;
- Инвестицияларни бошқариш (реал сектор);
- Корпоратив молияни бошқариш.

Академия магистратурасига иқтисодиёт соҳасида бакалавр даражасига эга бўлган, ёши 35 дан ошмаган номзодлар вазирликлар, ташкилотлар, банклар ва иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари раҳбарларининг йўлланмалари билан танлов асосида қабул қилинади. Академия магистратурасига ҳужжат топшираётган вақтда номзодлар тавсия этаётган вазирлик ва бошқа ташкилотларда бош мутахассис ёки ундан юқори лавозимларда ишлаётган ҳамда камида 2 йиллик меҳнат стажига эга бўлишлари керак.

Номзодлар қабул комиссиясига куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- мутахассислиги кўрсатилган ҳолда белгиланган шаклдаги ариза;
- олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (ёки дипломдан кўчирма — Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти бўйича ўқиш тугатганлар учун) ҳамда унга илованинг асли;
- 3,5 x 4,5 см. ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат;
- тегишли вазирлик ва бошқа ташкилот раҳбари томонидан имзоланган йўлланма ва тавсифнома;
- ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
- 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасидан нусха.

Ҳужжатларни қабул қилиш 2018 йил 1 августдан 31 августгача амалга оширилади. Ҳужжатларни тақдим этиш жараёнида номзодлар паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжатларини шахсан кўрсатадилар.

Номзодлар «Демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш назарияси ва амалиёти асослари», «Мутахассислик фани» ҳамда «Инглиз тили» фанларидан кириш тест синовларидан ўтадилар.

Халқаро тест бўйича инглиз тилида IELTS (International English Language Testing System) ёки TOEFL (Test of English as a Foreign Language) имтиҳонларини топширган ва амалдаги IELTS сертификат буйича камида 5.0 баллга ёки ушбу баллнинг эквивалентига тенг бўлган TOEFL сертификатга эга бўлган номзодлар «Инглиз тили» фани бўйича кириш тест синовларини топширишдан озод этилади. Ушбу номзодларга «Инглиз тили» фанидан энг юқори балл ҳисобланади.

Белгиланган тартибда GMAT (The Graduate Management Admission Test — бизнес мактабларида муваффақиятли ўқиш имкониятларини аниқлаш учун стандартлаштирилган тест) тизимида камида 500 баллик амалдаги сертификатга эга бўлган номзодлар «Мутахассислик фани» ва «Инглиз тили» фанларидан кириш тест синовларини топширишдан озод этилади. Ушбу номзодларга «Мутахассислик фани» ва «Инглиз тили» фанидан энг юқори балл ҳисобланади.

Кириш тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан 2018 йил 10 сентябрь кунини ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва унинг магистратурасига кириш тўғрисидаги батафсил маълумотларни www.bfa.uz интернет саҳифасидан олиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Телефон: (0-371) 237-53-65. Факс: (0-371) 237-50-11.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 745. 78 621 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбўтичлар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Б. Ғофуров.
Мусахҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6